

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ТЕЛЕКУРСАТУВ ВА РАДИОЭШИТТИРИШЛАР”
КАФЕДРАСИ**



**“ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ХУҚУҚИЙ ВА КАСБИЙ-АХЛОКИ АСОСЛАРИ»
ФАНИ БЎЙИЧА**

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Эшонбобоева Ш.

Маърузалар мавзулари:

- 1. Кириш. Журналист ва журналистнинг ҳуқуқий ва касбий-ахлоқий асослари тушунчаси.**
- 2. Журналист касбий одоб – ахлоқи кодексининг пайдо бўлиши, шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари. Ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг журналист касб одобига таъсири.**
- 3. Зиёлилик журналист касб-одобининг негизи сифатида.**
- 4. Ахборот глобаллашуви ва жараёнида миллий қадриятлар, урф-одатларга таҳдид ва журналист касб одоб масалалари.**
- 5. Журналистикада ҳаваскорлик ва профессионализм муаммолари**
- 6. Касбий этикага таллуқли халқаро журналистлар ташкилотлари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар. Журналистнинг хизмат одоб – ахлоқи.**
- 7. Касбий этикага таллуқли халқаро журналистлар ташкилотлари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар. Журналистнинг хизмат одоб – ахлоқи.**
- 8. Фавқулодда вазиятлар жараёни ва журналистларни умумий ва индивидуал химоя қилиш тадбирлари.**
- 9. Журналистикада ахлоқий дилеммалар (зиддиятлар)**
- 10. Маданиятлар трансформацияси .**
- 11. Ихтисослашув журналист касбий маҳоратининг етакчи омили сифатида.**

1 маъруза. Кириш. “Журналистнинг ҳуқуқий ва касбий –ахлоқий асослари”

Фан журналистнинг профессионал ахлоқининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ўргатади. Лекин одоб-ахлоқга оид кўрсатмалар, нормалар ҳамиша инсоннинг индивидлик вақтидан бошлабкишилик жамиятида фаолият юритишига кўникма ҳосил қилиши учун муҳим роль ўйнайди.

Ахлоқ сўзининг луғавий маъноси араб тилида кишининг табиати, хулқи маъносини беради. Биз ахлоқ сўзини кўпинча этика сўзи билан ҳам аралаштириб ишлатамиз. “Этика нормалари” каби... бу сўз грек тилидан олинган бўлиб “ethos” хулқ-атвор маъноини беради. Демак, кўринадики дунёда икки ғарб ва шарқ мамлакатарида умуммаънога эга икки сўзда бир моҳият мужассам. Бу эса ахлоқий нормалар, категориялар кишилиқ инсониятни қадимдан қизиқтириб келган.

Лекин шуниси қизиқки, кўпинча ахлоқий меъёрлар инсоннинг ички маданиятига, тарбиясига, атроф-муҳитга кўра белгиланади.

- муомала маданияти,
- тарбия,
- миллий урф-одатлар, қадриятлар,
- билим,
- бошқа динлар ва урф-одатларни тушуниш, ҳурмат қилиш.
- ирсий келиб чиқиш,

Бунлардан ташқари инсоннинг зиёли шахс эканлигини белгиловчи ташқи ва ички мезонлари ҳам мавжудки, биз кўпинча ихтиёрсиз равишда мана шу ҳолатни биринчи ўринга қўямиз.

Ташқи:

- Ташқи кўриниши,
- Муомаласи
- Маълум ҳаётий жараёнда ўзини тута билиши,
- В.х.

Ички

- Дунёқараши,
- Тафаккури.
- Ксби-кори
- Бошқа одамларга муносабат

Альтруизм (*алтер* лотин тидидан бошқа, ўзга маъносини беради) ўз манфаатларидан кўра бошқаларнинг ташвиши билан яшаш, уларга ғамхўрлик қилиш

Эгоизм – (*эго- лотинчада мен*) ўз манфаатларини бошқалар ва жамият манфаатларидан устун қўйиш.

Биз унутмаслигимиз керакки ахлоқ нормаларига амал қилиш асосан ихтиёрий хусусиятга эга. Айниқса бизнинг оммавий маданият ва глобаллашув даври авж олган замонимизда.

Инсон Ҳуқуқларини Ҳимоя қилиш Умумжаҳон Декларациясининг нечанчи моддасида инсоннинг фикр эркинлиги ҳақида сўз боради?

Айни шу моддада келтирилган фикрлар Ўзбекистон Республикасининг қандай қонуни ва нечанчи моддасида кетирилади?

Бирлашган Миллатлар Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон Ҳуқуқларини Ҳимоя қилиш Умумжаҳон Декларациясининг 19 –моддасида “Ҳар бир инсон фикр ва сўз эркинлиги ҳуқуқига эга, бу ҳуқуқ четдан аралашувсиз ўз фикрига эга бўлиш эркинлиги, маълумот излаш, тўплаш, уларни ҳар қандай чегарадан қатъий назар истаган матбуот воситаси орқали тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади.” Худди шундай қонун Ўзбекистон Республикасининг 29-моддасида ҳам келтирилади.

Фикр эркинлиги ва сўз эркинлигини қонун билан ҳимоя этишга зарурият нималарда кўринади? Ҳар бир инсон ўзининг фикр айтиш ва фикр ўрганиш ҳуқуқига эгаллиги нима учун халқаро қонун ҳужжатларида қайд этиб кўйилган? Чунки инсон туғилганиданок эътиқод ва фикр айтиш ҳуқуқига эгадир. М.Шайхзода таърифи билан айтганда: “Киши туғилмайди бошда тоғ билан, туғилар эркликка эҳтиёж билан”. Бу ҳуқуқнинг қонун ҳужжатлари билан ҳимояланганлиги эса шахснинг эътиқоди ва яшаш жойи, миллати, турмуш тарзи ва ҳ.к.лардан ташқари ҳар қандай мамлакат ва унинг фуқаролари тўғрисида ўз фикрини очиқ айта олиш имкониятини яратади. Бу ҳуқуқлар суъистеъмол қилинмаслиги учун ҳам давлат ҳужжатларига киритилган бўлиб, инсоннинг шаъни, кадр қимматини ерга урмаслик, ҳақорат қилмаслик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора тадбирлари қонунлар билан расмийлаштириб кўйилган. Бундай ҳуқуқ эркинлигининг бузилиши ҳолларини инсон эркинликлари топталган тарихий даврларда ёки бугунги кунда айрим мамлакатларда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий қонунбузарликлар натижасида кўришимиз мумкин. Ҳатто собиқ совет тузумида ҳам инсоннинг фикр эркинлиги, сўз эркинлиги, эътиқод эркинлиги узок йиллар давомида топталгани ва миллатлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятидан бебаҳра бўлганликлари сир эмас. Демак, бугунги кунда демократик жамият қуриш йўлида юксалаётган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1 моддасида мамлакатимиздаги тузум демократик республика эканлиги қайд этилган бўлса, 2 моддасида “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар” деб қайд этилгани бежиз эмас. Сиз билан биз танлаган журналистика соҳаси эса давлатни бошқараётган мансабдор шахслар ва давлат қонунлари халқ манфаатларига қай даражада хизмат қилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади.

Маълумки ОАВларининг эркин фаолият юритиши мамлакатда демократик жамият ҳукмрон эканлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 боби “ОАВлари” деб номланади. Мазкур бобдаги 67 моддада “ОАВ эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди” дейилган. ОАВларининг фаолиятини ташкил этувчи шахслар, шу жумладан журналистлар жамоатчилик фикрини ўрганиши мумкин, зарур ахборотларни олиши мумкин, бироқ воқеъликни

объектив акс эттириши учун қонун ҳужжатларини яхши билиши ва жамоатчиликка ҳодисани аниқ етказа олиш малакаси, ахлоқий меъёрларини билиши муҳимдир. Нимани очик айтиш ва нимани ошкор этмаслик меъёрларини билмаган журналист кўп ҳолларда беихтиёр равишда этник низоларни кучайтириб юбориши ёки сўнаётган оловни алангалатиб юбориши мумкин. Мана шундай ҳолларда жамиятга ҳақиқатни ошкор этиш зарурми ёки йўқ масаласи кўндаланг туради. Бунда ҳам журналистиканинг ҳуқуқий ахлоқий асосларидан келиб чиқилса масалага ойдинлик киритиш мумкин.

Айтайлик, маълум бир мамлакатда кечаётган ижтмоий-сиёсий ўзгаришларни жамоатчиликка етказаётган журналист қай бир маънода сиёсий куч ҳисобланади. Унинг талқинида ёритилаётган воқеа жамоатчилик томонида қабул қилинар экан ўша воқеа тепасида бўлмаган кишилар журналистнинг ахбороти орқали маълум тушунчага эга бўладилар. Агар бу журналист сиёсий мақсадлар, кўрсатмалардан келиб чиқиб ахборот етказса унда қайд этилганидек этник можаролар, тушунмовчиликлар ва ҳ.к. хуллас нотўғри ахборот узатиш вужудга келади. Мана шу ҳолатда журналистнинг шахсий маданияти, ахлоқи биринчи ўринга чиқади. Айрим ўринларда журналист ўз мамлақати манфаатларидан воз кечиб бошқа бир халқнинг тақдирини биринчи ўринга қўйиши мумкин. Бунга мисол тариқасида АҚШларининг Вьетнамга қилган тажовузини ва 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида олиб борилган совуқ урушга қарши журналистар фаолиятини келтириш мумкин. Натижа журналистларнинг ғолиблиги билан яқунланди...(Мисоллар)

Агар Журналистика фанининг ривожини Ўзбекистонда 1949 йилдан, яъни Ўрта Осиё Давлат Университетининг филология факультети қошида очилган журналистика бўлимининг очилиши билан боғлайдиган бўлсак, журналистнинг ҳуқуқий ва касбий ахлоқи масалалари юзасидан бу даврда мафкура устунлик қилган ва синфийлик принциплари бадиий ижоднинг барча тури, шунингдек публицистикага ҳам бевосита ўз таъсирини ўтказганлигини инкор этиб бўлмайди.

Маълумки, 19-асрнинг охирларидан бошлаб Туркистон ҳудудида журналистиканинг илк кўринишлари намоён бўла бошлади. Яъни, “Туркестансике ведомости”, “Туркистон вилоятнинг газети” каби расмий газеталарда мақолалар билан иштирок этган маҳаллий зиёлилар бугунги журналистиканинг пойдеворини қўйганлардан ҳисобланадилар. Бехбудий, Фитрат, Зиё Саид, Чўлпон, А. Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Хожи Муин каби жадиждларнинг 1920-30 йилларга қадар ижодий фаолиятида миллий тафаккур, воқеъликка холис ёндашиш, кишиларни камситмаслик тамойиллари устунлик қилган. Бу зиёлилар агарда шўро ҳокимиятининг зуғуми билан сиёсий майдондан йўқотиб юборилмаганида Ўзбекистон республикасининг барча соҳалари каби журналистикада ҳам юксакликка эришилган ва жаҳоннинг етакчи мамлакатлари ижтимоий ва гуманитар фанларда бизга рақобатдош бўлиши мумкин эди, деган хаёлга боришимиз тўғри бўлади. Зеро, мамлакатдаги барча етакчи кучлар қатағонга учрагач, шўро ҳокимияти маҳаллий матбуот вакилларини, шу жумладан ёзувчи

шоирларни фақат ва фақат сиёсатни тарғиб ва ташвиқ этишга, эски турмушни ёмонлашга, синфий душманларга қарши курашишга чақирди. Натижада инсоний ахлоқ ва одоб тушунчаларига муносабат ҳам ўз-ўзидан ўзгарди. Шунга кўра матбуотда ижтимоий воқеъликка фақат сиёсий мафкура нуқтаи назаридан, партиявийлик принципларини тарғиб этган ҳолда ёндашила бошланди. Бу даврда ота ва ўғил, она ва бола, эр ва хотин, устоз ва шогирд, дўстлик ва биродарлик ўртасидаги нозик ришталарга путур етди. Эски турмуш тарзи ҳақида бирор бир илиқ ҳаққоний фикр айтилмади. Матбут саҳифаларини кўздан кечирсак, инсонга нисбатан камситилиб айтиладиган сўзлар кечагина халқ эътиборида бўлган зиёли шахсларга нисбатан очикдан очик қўлланилганининг гувоҳи бўламиз...(Мисоллар)

70 йил мобайнида журналист ва ижодкорнинг касбий ахлоқи масалаларига амал қилинмай келинди. Матбуотдаги фелъетонларда ким ўзарга инсон шахси камситилганини, ҳақорат қилиниш даражасига келганини кузатиш мумкин.

Аммо, Ўзбекистон мустақилликка эришиш арафасида эътиқод софлиги, ахлоқий нормалар масаласи яна кун тартибига чиқди. Халқ манфаатини ёқлаш ниқоби остида аҳолининг кўнглига ғулғула солган, нотўғри ахборотлар тарқатган нодавлат халқаро радиостанцияларнинг фаолияти ҳам бир қатор журналистларнинг ўз касбий ахлоқий нормаларига амал қилмаганликларини кўрсатди. Уларнинг аксарияти турли ноқонуний йўллар билан ахборот тўплаш ва уни асосланмаган тарзда кенг жамоатчиликка тақдим этиш йўлини тутдилар.

Айни пайтда сариқ матбуотда фаолият юритаётган ходимларнинг аксарияти ҳам айни мана шу ахлоқий одоб мезонларини бузаётганларини кўриб турибмиз. Ғарб журналистикасининг тажрибасини кўр-кўрона ўзлаштириб, миллий менталитетимизга хос бўлмаган шахсий масалаларни титкилаш ва уни ростми-ёлғонлигини текширмай тарқатиш йўллари бизда жуда урф бўлаётганлиги ачинарли хол. Шу маънода биз ўтадиган ва ўрганадиган фан айни мана шу ахлоқий одоб мезонларини ўргатади, миллий анъаналаримиз, аждодларимиз фикрларини бугунги кунга тадбиқ этиш йўлларини излайди ва амалиётда уни қўллаш йўлларини кўрсатади.

Ёзувчи ва олим Х.Дўстмуҳаммад журналистнинг касб-одобига бағишланган илмий рисоласида Марказий Осиё минтақасидаги ижтимоий-иқтисодий, миллий-маданий, ахлоқий-этиқодий каби шарт шароитларнинг ўхшашлиги туфайли “Марказий Осиё минтақаси журналистикаси” атамасини қўллаш мумкин эканлигини қайд этади. Лекин бу малакатларда ўзаро муаммолар ўхшаш бўлса-да журналистиканинг ривожига жаҳон журналистикасида қабул қилинган халқаро ҳуқуқий меъёрларга суянилади, дейилади. Албатта бу фикрда жон бор. Лекин ҳар андай халқаро ҳуқуқий меъёрлар миллий менталитетга хавф солувчи хабарлардан воз кечиш, миллий кадриятлар, урф одатларнинг ижобий хусусиятларини ёқлашга даҳл қила олмайди. Айни пайтда Ўзбекистон худудида олиб борилаётган сиёсат айни инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида илгари сурилган фикрларни эътироф этмоқда. Яъни инсоннинг дини, ирқи ва эътиқодига нисбатан

бағрикенглик хусусияти ўзбек халқининг азалий қадриятлари сифатида тан олинган. Бу анънавий тамойил эса давлат сиёсати даражасида амалга оширилмоқда.

Журналист давлат билан халқ орасидаги воситачи экан унинг ўз касбий- ҳуқуқий ва ахлоқий асосларини яхши билиши, амалда қўллаши муҳимдир. Бунинг учун унинг нафақат ахборотни қабул қилиши ва жамоатчиликка етказиши маҳорати, шунингдек тафаккури, маданияти, дунёқарашининг кенглиги ҳам асосий мезондир.

Шайх Азизиддин Насафий ҳам шу учликни илгари сурган: "Билгилки, шариат, тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган инсон комил инсондир... Билгилки, куйидаги тўрт кўрсаткич бўйича камолга етган инсон комилдир: эзгу сўз, эзгу феъл, эзгу ахлоқ ва маориф"².

Гюго – “Глод Ге”, Навоий “Шайх Санъон”, Андерсен “Нонни босган қиз”,

Достоевский “Жиноят ва жазо.”

2 маъруза. Журналист касбий одоб – ахлоқи кодексининг пайдо бўлиши, шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари. Ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг журналист касб одобига таъсири.

XIX асрнинг 30-40 йилларига келиб журналистика соҳаси мутахассислик фани сифатида эътибор қозона бошлаган бўлса (Профессиональная этика журналиста. Авраамов Д.С. М.: Мысль. 1991. с.42.), журналист касбий ахлоқий ҳуқуқларига оид ҳужжатлар ва бунга бўлган эҳтиёж журналистика касби оммавий тус олмасидан илгарироқ турли мамлакатларда тули даврарда вужудга келган. Хусусан,

1. 1789 йил 29 августда Франция Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясининг 11 моддасида шундай сўзларни ўқиймиз: *“Эркин тарзда фикр ва мулоҳазалар алмашиши энг эъзоз этилган инсон ҳуқуқларидан биридир. Бунинг маъноси шундан иборатки, ҳар бир киши ўз истаган фикрини изҳор қилиши мумкин, албатта бу эркинлик қонун томонидан ҳақоратли деб топилмаган ҳолда”.*
2. 1789 йил 29 августда Франция Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясининг 9 моддасида эса шундай ёзилган: *“Шахс суд томонидан айбдор деб топилмагунига қадар айбсиздир. Агар шахс ҳақида маълумотни чоп этиши омма қизиқишига мос келса, у ҳолда айбсизликка ҳурмат муносабати муштариёга қандай тафсилотларни ва уни қай тарзда етказиши масаласига эътибор беришни тақозо этади.”*



3. *Ломоносов М.В. «рассуждение об обязанностях журналистов при изложении ими сочинений, предназначенное для поддержания свободы философии» 1754г.*

XIX асрда келиб ривожланган мамлакатларда журналистика соҳасида фаолият юритувчи матбуотчилар махсус тайёргарлик кўриши кераклиги ҳақидаги масала кун тартибига чиқди. Жумладан АҚШлари матбуоти ҳақида 1799 йилда нашр этилган газетадаги фикр эътиборли: “ Америка газеталари мамлакатни ҳаяжон ва инқилоб ҳолатида ушлаб туришга интилади. Шу боис яхши коллежда етишиб чиққан журналистларда бундай муаммолар бўлмайди, деб ўйлайман”. Демак, журналистлар тайёрлашга қаратилган ўқув даргоҳларининг вужудга келиши асосида маълумотларни тўғри ва холис етказувчи журналист кадрларни етиштиришга бўлган эҳтиёж билан боғлиқдир.

Журналистларнинг ҳуқуқ ва вазифалари ҳақида декларация “Мюнхен устави”дан, Франция кундалик регионал матбуотининг қоида ва амалиётидан кўчирмалар, Шимолий америка Редакторлар жамиятининг касбий этикасида, Британия Журналистларининг Миллий уюшмаси Бошқарув ва Иш Амалиёти Кодексида кўчирмалар. (*Журналистлар учун амалий қўлланма. UNESCO TASHKENT Office 95, Tashkent, Uzbekistan. 2002.*)

“Кодекс” лотинча сўз бўлиб, китоб, бир тизимга солинган ҳуқуқий акт, қоидалар мажмуи маъносини билдиради. Шунингдек, “хартия” сўзи ҳам кодекс сўзи билан маънодош. Яъни, грекча сўз бўлиб қоғоз, имуҳим тарихий ҳужжат деган асл маънога эга.

Журналист касб ахлоқи тушунчаси - бир инсоннинг эмас, маълум бир ижтимоий гуруҳнинг ахлоқий хусусиятлари ҳисобланади. Меъёр касб этикасининг бошланғич нуқтасидир. Журналист ва истеъмолчи (ўқувчи, томошабин ёки тингловчи) турли ижтимоий ролни бажарадилар. Бири ўз касбининг устаси, иккинчиси унинг меҳнати маҳсулидан фойдаланади.

XIX аср охири ва XX аср бошларида хориж ОАВларида журналист ахлоқий кодексларига эҳтиёж туғилди. Маълумотларга қараганда аввало Европа ва Америкада пайдо бўлган ва кенг ёйилган матбуот монополияси орқали омманинг онгига кучли таъсир этиш, хусусан манипуляция қилиш ҳолати авж олди. 1908 йилда ёзилган қуйидаги маълумотга қараганда бугунги кунимизда авж олган сариқ матбуот ва баъзида айрим давлат газеталарида ҳукм сураётган хусусият ҳақида гап боради. Масалан “Журнал ди Женев” журналида айтилишича, Англияда журналистиканинг янгича методи пайдо бўлган.. Бунга кўра ўқувчини онгли мавжудот эканлиги ҳисобга олинмай, унинг маънавияти ва тафаккурига озуқа бермайдиган, фақатгина жимжимадор сарлавҳалардан иборат ахборотлар тарқатилади. Яъни газетхон ҳар куни эрталаб фикри тараққиётини кузатишдан ожиз бўлиб, худди эрталаб қўпол озуқа ейишга ўрганиб қолгандек – олди-қочди ахборотлардан иборат газета ўқишга мажбур... Кўринадики, ўша даврдаёқ газетанинг ходимлари ахборотни шунчаки шов-шувли сарлавҳалар остида

берибгина қолмай, ўқувчининг турли хабарларга бефарқ бўлишларидан манфаатдор бўлганлар ва ихтиёрий ёки беихтиёр равишда ана шундай усулни тарғиб этганлар. Бундай кўринишдаги хабарлар журналистиканинг кейинги ривожига салбий таъсирини англаб етган зиёлилар журналистлар уюшмаларининг турли ахлоқий кодексларини ишлаб чиқдилар.

Бугунги кунда биринчи марта қайд этилган кодекслар сифатида 1918 йилда қабул қилинган Франция Журналистлар Миллий уюшмасининг “Хулқ-атвор қоидалари”ни келтириш мумкин. Бунга 1938 йилда қўшимчалар киритилган. Лекин ундан аввалроқ Швецияда ҳам 1900 йилда ахлоқ кодекси қабул қилинган, лекин ҳужжатлаштирилмаганлиги учун Франция кодекси биринчи ҳисобланади.

1921 йилда Гонолулу шаҳрида бўлиб ўтган халқаро журналистлар учрашувида журналистларнинг халқаро ахлоқ нормалари кодекси қабул қилинади. Буни америкалик журналист Жеймс Броун таклиф этади ва “Журналистик тажриба ахлоқий нормалари кодекси”ни тузади. Лекин унинг ташаббуси қабул қилинмайди. Кўп ўтмай Швеция, Франция, Бразилия ва бошқа малакатларда ахлоқий нормалар кодекслари ишлаб чиқилади ва амалиётга тадбиқ этила бошлайди.

1923 йилда АҚШ “Журнализмнинг қоидалари” кодекси яратилди. Уни Америка жамиятининг газета таҳририятлари қабул қилган бўлиб, ҳозирги кунгача бу қоидаларга амал қилиб келинмоқда.

Бу даврда қабул қилинган қоидаларнинг асосийлари қуйидагича:

1. Матбуот ижтимоий ва ярим ижтимоий институтдир. Унинг асосий мақсади – ўқувчини ахборотлар билан таништириш, вақтини чоғ қилиш, ҳукуматни назорат қилишига ёрдам бериш
2. Ҳар бир киши матбуотдан фойдаланиш ҳуқуқига эга ва ўз маблағига эга ҳар бир фуқаро газета чиқариши мумкин.
3. Матбуот “Фикрларнинг эркин бозори”да ҳақиқатнинг қарор топиш жараёнида назорат қилинади.
4. Матбуотда ғийбат ва беқарорликка йўл қўйилмайди.
5. Ниҳоят матбуот давлатнинг тўртинчи ҳокимиятидир.

Ушбу кодекснинг асосий жиҳатидан бири бу сўз эркинлиги ва инсоннинг тўғри маълумот олишга ҳуқуқи борлигини кўрсатади.

1933 йилда “Вашингтон пост” газетаси Ю. Мейерлар оиласи тасарруфига ўтгач, газета биринчи навбатда газета ходимларининг ахлоқ кодексини эълон қилган.

Ўзбекистонда ўзбек миллий журналистикасида касб одоби кодексини яратиш эҳтиёжи мустақиллик даврига тўғри келди. Биринчи марта мустақиллик даврида Ўзбекистон Миллий матбуот маркази Самарқанд бўлими томонидан “Журналистларнинг ахлоқ кодексини яратишга уриниш бўлди. (2003 йил январь, МММ Самарқанд бўлими ахборотномаси) Бу кодекс 23 моддадан иборат эди. Лекин бу дастлабки уриниш журналистлар томонидан муҳокама этилмади ва қўллаб қувватланмади. Лойиҳа сифатида қайд этилди холос.

Лекин бугунги кунда қайд этиш керакки мамлакатимизда фаолият юритаётган ҳар бир ОАВлари таҳририятларида ўзининг касбий ҳуқуқий қоидалари бор ва бу шартномалар кўринишида қайд этилади.

2006 йилда ташкил топган Ўзбекистон мустақил босма ОАВи ва ахборот агентликларини қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш жамоат **фонди ўз фаолиятининг бошланишидаёқ ибратли ишга қўл урди. Фонд “Босма ахборот воситалари ва ахборот агентликлари журналистларининг ахлоқ одоб кодекси”ни ва “Босма ОАВ ва ахборот агентликлари хартияси”ни яратди. (Ўзбекистон матбуоти журнали 2006 йил 2 сон.)**

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа ОАВлари тўғрисидаги қонунларда белгилаб қўйилган турли қонунлар ёки журналистлар касб ахлоқи билан боғлиқ нормалар мажмуи бўлган кодекслар маълум умуминсоний тартиб ва ахлоқий меъёрларга бўлган таҳдидлар натижасида юзага келган, десак тўғри бўлади. Лекин бу қонунлар ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Айтайлик, ОАВлари тўғрисидаги қонуннинг 1 боби 6 моддасида “ОАВлари орқали фуқароларнинг шаъни қадр қиммати, ишчанлик обрўсини таҳқирлаш, шахсий ҳаётига аралашиб таъқиқланади” дейилади. Лекин ҳар қандай қонун билан тақиқланмасин агар журналист ўзига хос миллий ва умуминсоний фазилатларга эга бўлмас экан, уни ахлоқий нормаларга амал қилишга ўргатиб бўлмайди. Кодекслар орқали биз тўғри йўл-йўриқ олишимиз мумкин. Бироқ, кўп ҳолларда кишининг маънавияти, тарбияси, зиёилик даражаси бир сўз билан айтганда маданиятлилик даражаси унинг касб ахлоқи нормаларини белгилаб беради. Чунки инсоннинг индивид ҳолатидан шахс сифатида шаклланиш даврида ўзига сингдириб олган фазилатлар ҳам, қусурлар ҳам ақл руҳий ўзгаришларга бўйсунмай қолиши мумкин бўлган вақтларда муҳим ўрин эгаллайди...

3 март . Зиёилик журналист касб-одобининг негизи сифатида.

“Қобуснома”да шундай сўзларни ўқиймиз: *“барча ҳунардин сўз ҳунари яхшироқдир, нединким, ҳамма маҳлуқотдин одам яхшироқ яралди ва ўзга жониворлардин одам ўн даража яхшироқдир ва бу ўн даража одамнинг баданида ҳаммша бордир... Тилингни яхши ҳунар била ўргатгил ва мулойим сўздин бошқа нарсани одат қилмагил. Нединким, тилга ҳар нечук сўзни ўргатсанг, шуни айтур, сўзни ўз жойида ишлатгил, аммо ноўрин ишлатилса, гарчанд у ҳар нечук яхши сўз бўлса ҳам ёмон, нобон эшитилур. Шунинг учун беҳуда сўзламагилки, фойдасиздур...”* (Кайковус. Қобуснома.Т.: Ўқитувчи, 2011. 38 бет.) Х1 асрда яратилган “Қобуснома”нинг саҳифаларида келтирилган ушбу сўзлар Х1Х асримизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бевосита журналистика соҳасига ҳам тааллуқли бўлган бу фикрлар касбий

ахлоқ меъёрлари қанчалик инсон тарбияси, маданияти ва илмига боғлиқлигини кўрсатади.

Инсон касбидан қатъий назар маданиятли ва маърифатли бўлишга интилиб келган. Бойси, маърифатли ва маданиятли инсон фаровон ва бахтли ҳаёт кечириши амалда исботланган ҳодисадир. Жамиятда одамлар таниган, ҳурмат қилган ва севган шахслар борки, улар ўз билимлари ва инсоний фазилатлари билан эл-юрт ҳурматига сазовор бўлиб келганлар. Журналист касб одоби ҳақида гап кетар экан, журналист жамиятнинг қуйи ва юқори бўғинларида мунтазам фаолият юритишини ёдда тутиб, қуйидаги тартибда унинг касб одоби учун муҳим бўлган омиллар ҳақида сўзлашамиз.

1. Журналист аслида ким ва қандай вазифани бажаради? – У аҳолига жамиятдаги муҳим ахборотларни ўз вақтида етказувчи, маълумотларни холис таҳлил этувчи ва мутахассисларнинг фикрини ўрганган ҳолда халқнинг тўғри ахборот олишида адашмаслигини таъминлаб борувчи шахс.
2. Журналист ўз фаолияти давомида кимлар билан учрашади ва қандай ҳолатларга дуч келади? – У жамиятдаги барча олий ва қуйи табақа вакиллари билан учрашади, улардан ахборот олади, уларнинг манфатларини ҳимоя қилади. Бу вазиятда у мақсадга эришиш учун турли тўсиқлар, қаршиликлар ва алдовларга дуч келиши табиий.
3. Журналист учун халқ дарди ҳар қандай шахсий манфаатдан устун.
4. “Сўз эркинлиги” тушунчаси журналист учун қандай маънога эга? – Журналистнинг “сўз эркинлиги” ҳақиқатни айтиши ва ҳақиқатни аниқлашига қаратилган.
5. Виждон тушунчаси журналист учун қандай аҳамиятга эга? - Кишининг касбидан қатъий назар қандай инсон эканлигини намойиш этувчи хусусият унинг виждонли шахс эканлиги билан боғлиқдир, шу жумладан журналистнинг ҳам.

- Маълумотнинг аниқ манбасини билмай ва муҳим аҳамиятга эга эканлигини сезмай туриб тарқатишга шошилманг.
- Зарур ахборотларни ёритишда албатта камида иккита холис фикрни ҳам илова қилиб ўтинг. Токи, сиз етказаётган тўғри маълумот бошқалар томонидан бузилмасин ва аниқ ҳолда манзилга етсин.
- Учрашмоқчи бўлган шахс ҳақида керакли маълумотларнинг ижобийларини танлаб эслаб қолинг, салбий маълумотларни унутинг. Борган жойингизда сизни қандай қарши олишларидан қатъий назар ўша шахс ва унга тегишли ғайритабиий ахборотларни энг яқинларингиздан ҳам яширинг, фақат сиз гувоҳи бўлган ҳодисадан бошқалар огоҳ бўлмасликларига ҳаракат қилинг.
- Учрашув вақтида қачонки сиз томондан бирор бир хатога йўл қўйилса (кеч қолиш, учрашувни бекор қилиш, микрофон ёки камера бузилиб қолса ва ҳ.к.) бунга фақат сиз айбдор

эканлигингизни тан олинг ва бунинг учун суҳбатдошингиздан узр сўранг.

- Интервью беришга рози бўлган шахс бирдан ўз фикридан қайтиб қолса уни тушунишга ҳаркат қилинг ва бунинг сабабини аниқлаштиришга уринманг. Чунки сиз бу одам яна учрашишингиз аниқ, кейинги сафар у албатта интервью беради.
- “Сўз эркинлиги” фақат журналистлар учунгина эмаслигини ёдда тутинг. У “имконият”ни суъистеъмол қилишдан сақланинг. Чунки, ортиқча сўзамоллик кишига ташвиш келтириши маълум.
- Сизга ишониб топширилган буюмлар (китоб, сурат, кассета ва ҳ.к.)ни ўз вақтида эгасига қайтариш зиёлиликнинг асосидир.

Ғарб журналистикаси учун муҳим бўлган омил - бу қандай қилиб бўлса ҳам шов-шувли маълумотни биринчи бўлиб оммага етказиш. Кўпроқ аҳолининг манфатларини ўйлайдигандек туюлувчи бундай журналистларнинг аксарияти моддий бойлик тўплаш умидида бўладилар. Бироқ, ҳозирги даврдан фарқли тарзда ўтган асрнинг 50-60 йилларидаги ғарб журналистикаси асосан сиёсий масалаларни ёритишга ҳаракат қилар эди. Америка, Япония, Франция, Германия, Испания каби мамлакатларда журналистлар халқ манфааари учун ҳаётдан кўз юмган ҳолатлар жуда кўп бўлган.

Шунингдек, Ўзбекистонда ҳам сиёсий масалаларни батафсил ёритишга интилиш ўтган асрнинг 80 йиллари охири ва 90 йиллари бошида жуда кучайиб кетган эди. Аммо, сўз эркинлиги ва ошкоралик тушунчаларини кўпчилик ҳар хил тушуниб, турлича фаолият юриган журналистлар кўпайди. Халқ манфаатларини биринчи ўринга қўйган журналистлар, кинопублицистларнинг асарлари ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Аммо, касбий одоби ва ахлоқини бузган, нотўғри ахборот тарқатган журналистларнинг иш фаолиятлари унутилди... (

- Бошқаларнинг эътиборини ўзингизга қаратиб уларнинг шахсий ҳаётлари, машаққатли ижодлари, иш фаолиятлари ҳақида сўроққа тутар экансиз, уларни ўзингизга нисбатан ишончларини уйғотиш босқичларини босиб ўтишингиз шарт. Бу босқичлар нималардан иборат?
- Ҳар бир касб эгаси маълум бир ўзидан аввалги мутахассислар қолдириб кетган касбий қонун қоидаларни билмай туриб, иш фаолиятин бошламайди. Шунингдек журналистикада ҳам маҳорат муаммоларидан бири фикрни эркин ифодадай олиш ва нотиклик санъатини буткул эгаллашдир.
- Билингни, “мен журналистикада нотик бўлмоқчи эмасман, мен матбуотда ишлай олсам бўлгани”, деган журналист, бир кун келиб машҳур телебошловчи бўлиб кетиши мумкин. Аммо, мен ёзишни эмас, гапиришни хуш кўраман деган бўлғувси ҳаваскор журналист моҳир телебошловчи бўлиши қийин. Чунки, қоғозда ўз фикрини ифодадай олмаган инсон, фикрини оғзаки билдиришда ҳам қийналади.

- Ҳар куни камида бир бетдан ёзма нутқини шакллантириб борган инсон олти ойдан кейин оғзаки нутқда ҳам эркин фикрини ифода қилай олади.
- Оғзаки нутқимиз нўноқ шаклланмаслиги учун доимо тил ҳазинамизни бойитиб бориш журналистнинг маҳорат сирларидан биридир. Яъни, жаҳон ва миллий мумтоз асарларни мутолаа қилиш, улар ҳақида фикрлаш ва фикрларни қисқа сатрларда бадиий тарзда кундаликка ёзиб бориш журналист учун энг муҳим омиллардандир.
- Нафақат бадиий адабиёт, илмий адабиётлар, мақолаларни ўқиш, мушоҳада қилиш ва билим доирасини кенгайтириб бориш журналист учун, умуман ҳар бир одам учун доимий одатга айланиши зур.
- Инсоннинг фазилатлар билан қусурлари ҳам бўлиши табиий. Шунинг учун фазилатларни кўпайтиришга одатланган, қусурлардан эса холи бўлишга интиланган инсоннинг омади ҳамisha юришади.
- Ўзингиздан негатив эмас, позитив нур таратишга урининг.

4 маъруза. Ахборот глобаллашуви жараёнида миллий кадриятлар, урф-одатларга таҳдид ва журналист касб одоби масалалари.

Президентимиз И.А.Каримов “кўз ўнгимизда замонавий дунёнинг геосиёсий, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация қиёфасида фундаментал ўзгаришлар ясайдиган чуқур жараёнлар рўй бермоқда” деган фикрларида (Москва шаҳри, 2003 й., 29 май. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитида) бугунги кундаги тобора ўз қиёфасини глобал миқёсда ўзгартириб бораётган ва инсониятнинг тинч хотиржам ҳаёт кечиришига тўсқинлик қилаётган масалалар қамраб олинган. Умуман глобаллашув жараёни аниқ бошланган бирор бир сана ёки макон, даврни ажратиш олиш қийин.

Маълумотларга қараганда глобаллашув атамаси биринчи марта 1983 йили америкалик олим Т. Левиттнинг “Гарвард бизнес ревью” журналида чоп этилган мақоласида тилга олинган. Муаллиф турли трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли-туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёнини шундай атаган.

Ҳар бир соҳа вакиллари бу атамани ўз ҳолича ўз соҳасига мослаган ҳолда қўллаб келмоқда. Бевосита ахлоқшунослик нуқтаи назаридан оладиган бўлсак, глобаллашув атамасига мувофиқ 21 асда дунёда ягона ахлоқ, этика нормалари қарор топиши башорат қилинмоқда. (Б. Умаров. Глобаллашув зиддиятлари. Т. Маънавият, 2006. 9-б.)

Лекин глобаллашув жараёнини белгилаб берувчи омиллар қуйидагилардан иборат эканлиги қайд этилган:

1. XX аснинг иккинчи ярмига ядро қуролининг илаб чиқилганлиги, техника ривожланиши...
2. коммунистик ғоянинг асоссиз эканлиги исботланиши ва либерал-демократик кадриятлар ғалабаси.
3. глобаллашув жараёнининг асосий субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучи – иқтисодий жиҳатдан юксак тараққий этган мамлакатлар,

шунингдек улар худудида жойлашган трансмиллий корпорациялар ва молиявий марказлардир.

4. дунё миқёсида мутарақий мамлакатларнинг ривожланаётган давлатларга ёрдам бериш мақсадида ўз ғояси, мафқураси ва яшаш тарзига тарғиб этишга уриниш – молиявий ёрдам бериш ортида яширинган сиёсий мақсад.

Журналистлар кўп, улардаги умумийлик ва хусусийлик ҳақидаги фикрингиз?

Сиёсий йиғилишлар, маданий янгиликлар, ижтимоий масалаларни ёритишда нималарга аҳамият берилади?

Давримизнинг энг асосий хусусиятларидан бири бу ахборотнинг кўплиги ва унга бўлган эҳтиёжнинг янада ортиб бораётганидир. Айни пайтда ахборотлар ичидан фақат янгиси ва оригиналигина диққатни тортиши мумкин. Умумий миқёсда қаралганда бугунги кундаги ОАВларининг барча тармоқларида ахборотларни танлай олиш, узатиш ва янгилигини таъминлаш журналистдан катта билим ва малакани талаб этмайди. У интернет тармоғидан ўзига маъқул келган ахборотни оммага етказиши ва бунинг орқасидан фойда кўриши мумкин. Лекин бу ҳолатда ўзлаштириб олинган бу ахборотнинг қай тарзда оммага етказилиши муҳим аҳамиятга эга.

Ахборотнинг янгилиги бу нисбий тушунчадир. Айтайлик, янги ижод асари яратилганлиги ва унинг муаллифи ҳақида оммага маълумот бераётган журналист ахборотни бериш жараёнида шунчаки маълумот узатувчи ёки таҳлил қилувчи, тушунтирувчи мутахассис сифатида майдонга чиқади. Энди яратилган асар мазмун моҳиятини кўпчиликка етказиш ва ўзига нисбатан икки томоннинг эътиборини тортиш учун у асрлар давомида шаклланиб келган санъат ва фалсафанинг тарихий босқичларини билиши зарурлиги кун тартибига чиқади. Демак, журналист шунчаки маълумот узатувчи ёки мутахассис бўлиб танилишида билим доираси унинг фаолият даражасини белгилайди. Айни пайтда инсон қайси даврда яшамасин тарихий жараёнлардан ўтиб келаётган турли бадиий ижод оқимлари ва уларнинг машҳур муаллифлари ҳақида зарур ахборотга эга бўлиши ахборот глобаллашувининг яна бир ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Текширувларга қараганда замондошимизнинг моддий ва табиий омиллардан фойданиши умумий ҳисобда 32%ни ташкил этса, ахборотларга нисбатан қизиқиши 64% ни ташкил этар экан. Бироқ айнан мана шу ҳолат миллий кадриятлар ва урф одатларга катта таҳдид солаётгани ҳам қайд этилмоқда. Бир мамлакат аҳолисини бошқа мамлакат халқидан ажратиб бўлмаслиги (дунёқараш ва турмуш тарзи бобида) ҳавфи бугунги кунда ривожланган мамлакатлар жамиятшунослари диққатни қаратаётган долзарб муаммо сифатида тан олинмоқда.

Дунё миқёсида глобал муаммо сифатида қаралаётган “оммавий маданият” ҳам жуда кўп мамлакатлар ёшлари ҳаёт тарзига сингиб бораётган, миллий кадриятлар, урф-одатларнинг унутилиши ҳавфини солаётган муаммодир. Оммавий маданиятнинг энг катта ҳавфли жиҳати бу - ёшлар онгида Америкага нисбатан ҳаваснинг уйғониши ва жалб этилишидир.

Иккинчи жиҳатдан европа маданиятини умуминсоний маданиятларнинг асосий мезони сифатида қайд этилган ва ундан ўзига андозалар олган айрим мамлакатларда бадиий ижод ва санъат асарларига хос хусусиятлар аввалига тақлид сифатида, кейинчалик ўзига хос миллий хусусият касб этган ҳолда ривож топганини эсласак, бизнинг мамлакат ҳам бундан мустасно эмаслигини эслаймиз. Агар XX аср ўзбек миллий маданиятининг жаҳон маданий тараққиёти даражасига секин-аста кўтарилиши даврини белгилаб берган бўлса, мустақиллик даврида қайта тикланган беҳисоб миллий кадриятлар глобаллашув даврининг салбий таъсиридан юртимиз ҳудудини асраш учун асосий омил бўлмоқда.

“Бизнинг еримиз таназзулга юз тутди, порахўрлик ва коррупция гулламоқда; болалар ота-оналарига қулоқ солмай қўйдилар, ҳамма китоб ёзишни истайди ва ниҳоят охир замон яқинлашиб қолди”. Бу фикрларни эрамиздан аввалги учинчи минг йилликда папирус қоғозларига ёзиб қолдирган эканлар. АҚШнинг европа халқларига сиёсий-ижтимоий таъсири остида маданий орқага кетиши кўпроқ Жорж Маршаллинг плани билан боғланади. Яъни Ж.Маршаллнинг режасига кўра 1948 йилда АҚШ конгрессида чет мамлакатларга иқтисодий ёрдам бериш қонуни қабул қилинган бўлиб, бунда 15га яқин мамлакатлар ўз розилиklarини билдирган эдилар. Бироқ собиқ Совет иттифоқи бу режанинг асл моҳиятини тушунган ҳолда Маршалл режасини инкор этади. Ҳақиқатан ҳам Америка ўзининг сиёсий манфатларини назарда тутиб қабул қилган бу қонун тез орада ўзининг “натijasини” берди. Американинг барча мамлакатларни ўз йўриғига солишга бўлган ҳаракати ҳамон давом этаётганини сезиш қийин эмас. Шунингдек, АҚШнинг глобал даражада миллий кадриятларга салбий таъсир этаётган кинофильмлари, Спутникдан узатилаётган кўрсатувлари, кўшиқлари ва бошқа ОАВлари орқали тарқалаётган салбий таъсирларини бугунги кунда мамлакатлар ҳудудига киришидан тўсиш имкони йўқ. Айни пайтда бу муаммо европа халқларини ҳам ташвишга солаётгани боис Франция, Германия каби давлатларда Америка маданияти тарғиб этилаётган маълумотларни кескин камайтиришга уринишлар кузатишмоқда. Чунки, миллий ўзига хослик хусусиятининг космополит ёшлар томонидан инкор этилиши жараёни ғарбни ташвишга солаётгани бежиз эмас. айни вақтда АҚШлари собиқ шўро даврида ёпиқ жамият ҳисобланган Ўрта Осиё ҳудудида ҳам ўзининг америкача сиёсатини амалга ошириш мақсадини кўзлагани сир эмас. бу маънода муаммонинг олдини олишда ёшларнинг миллий тарбия олишлари ва ғарбда кечаётган воқеа ҳодисаларни тубидан билишлари учун чет тилларини яхши билишлари муҳимдир...

Яқин ўтмиш сабоқларидан биламизки. мустамлака мамлакатнинг айрим фуқаролари ўз миллий кадриятларини нафақат билмас, балки ундан юз ўгириш даражасига келиб қолган эди. Аммо, ўтган асрнинг охириги йилларида рўй берган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар халқимиз бошига жуда оғир синовларни олиб келди. Журналистика эса узоқ муддат фақатгина давлат ва мафкураининг қуролига айланган ҳолда ривожланди. Аудиовизуал журналистиканинг бош бўғини бўлган радио ва телевидение эса инчунин. Бу

вақтда муаммолар глобал даражада эмас, маиший даражада ўрганилди ва ёритилди. Халқнинг манфаатлари мустамлакачи ҳокимият манфаатларига зид бўлса бундай масалалар деярли ўрганилмади.

Мустақилликдан кейин кўп соҳалар каби журналистика соҳаси табиий ривожланиш томон қадам қўйди. Лекин сиз айтишингиз мумкинки, нима учун ҳамон журналистларимизнинг эркинлиги мутлақ эмас ёки муаммоли масалаларни ёритишда журналистаримизда ҳадик кучли? Бундай ҳол фақатгина бизнинг мамлакатимизга эмас, деярли барча шарқ мамлакатлари ва постсовет мамлакатларида ҳукм суради. Агарда ҳокимият ўз журналистларига мутлақ эркинлик берган тақдирда аҳолининг демократик омилларга руҳан, маънан ва сиёсий жиҳатдан тайёр эмаслиги жуда кўп муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бу ҳол тажрибадан маълум... Албатта, Ўзбекистон ҳудудида собиқ шўро ҳокимияти даврида содир бўлган миллий хусусиятларни камситишлар, мафкуравий чекловлар бугун ўтмишга айланиб бормоқда. Бироқ, миллий қадриятлар сифатида каттага ҳурмат, кичикка иззат дея ОАВларида мавжуд камчиликларни батафсил ёритишдан андиша қилиш мамлакат тараққиётига сезиларли таъсир ўтказаётгани ҳам сир эмас... (Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари. Т.: Маънавият. 2006.)

Айни кунларда ҳам мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий ривожланишларни, қурилишлар, давлатлар аро турли битимлар тузилишидан аҳолининг 70% беҳабар эканлиги ва билган тақдирда ҳам бу ҳодисага ишончсизлик, беэтиборлик билан қарашини кузатиш мумкин. Бунинг асосий сабаблари:

Биринчидан кечаги – 18 йил аввал бошқа катта бир давлатнинг қўл остида бўлган давримиздан излашимиз ўринли.

Иккинчидан кечагина мана шу даргоҳни битириб кетган ҳамкасбларимизнинг фаолияти талаб даражасида эмаслигида. Изланиш, ўз устида ишламаслик, енгил ахборотлар билан кифояланиш, маълум анъанавий усуллардан фойдаланишлари оқибатида аҳолига маълумотлар ўз вақтида ҳамда етарли даражада узатилмаяпти...

Жамиятнинг ахборотлашуви бундан кейин ҳам маданиятларнинг қоришуви жараёнини тезлаштириб бораверади. Элитар, миллий ва оммавий маданиятлар қаторида ахборот маданиятининг ҳам ривожланиши табиий саналади. Бу ҳолат экран санъати, хусусан компьютер, интернет маданиятини ҳам ўз ичига олади. Демак бу жараёнда миллий хусусиятларни ўзида жамлаган ҳолда дунё маданий жараёнларининг тарихий босқичларини ҳам тубдан билиш ва ўрганиш айни пайтда жаҳон цивилизациясида босиб ўтилган хусусиятларни миллий маданий жараёнларга кўр-кўрона кўчирмаслик ва ўз миллий индивидуаллигини йўқотмаслик замонавий журналистнинг маданиятини белгилайди.

Президентимиз И.А.Каримов ёшларнинг “қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур” (*Ислом Каримов. “Юксак маънавият — енгилмас куч”.- Тошкент, “Маънавият”, 2008 й. 119-бет.*)лиги ҳақида “жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услубларни ишлаб чиқиши, давлат ва жамоат ташкилотлари

учун тегишли тавсия ва қўлланмаларни тайёрлаш бугунги кунда муҳим вазифага айланиб бораётганини чуқур тушуниб олишимиз зарур” (*Ислом Каримов. “Юксак маънавият — энгилмас куч”.- Тошкент, “Маънавият”, 2008 й. 127-бет.*) каби мулоҳазаларига қайта-қайта мурожаат этамиз.

5 маъруза. Журналистикада ҳаваскорлик ва профессионаллик муаммолари

Журналистнинг ижтимоий жавобгарлиги: унинг уқувчилар, томошабинлар, тингловчилар олдидаги жавобгарлиги.

Журналистнинг биринчи мажбуриятларидан бири – бу халққа, оммага ахборот етказиб бериш.

Журналистнинг ҳаққонийлиги, туғри сузлиги, ростгуйлиги, унинг уз касбини севиши, улуглаши, касб шуҳрати ва шаънини сақлай олиши, умуминсоний кадриятларни ҳурмат қила олиши.

Бу муаммо нафақат журналистика соҳаси, балки ривожланган давлатлардаги жамият муаммоси ҳамдир. Ўзбекистон мисолида олинадиган бўлса, соф ўзбек журналистикасининг ривожини XX асрнинг сўнгги йиллари ва мустақиллик даври билан бевосита боғлаш мумкин. Чунки, узоқ муддат совет идеологияси таъсирида партиявийлик принципларига амал қилиб келган матбуот, радио ва ТВдаги журналистикада мафкура инсон ҳуқуқларига хизмат қилиш ўрнига, инсон мафкуранинг ривожига кўр-кўрона хизмат қилиб келди.

Мисоллар: Деҳқонларнинг етиштирган пахтаси, кўтарган ҳосили кўкларга кўтарилди, аммо уларнинг аянчли аҳволи эътиборсиз қолди, оғир меҳнати эвазига етарли ҳақ олмади. Жуда кўп аёллар, ёш болалар пахта яккаҳоқимлиги даврида касалликка чалинди, захарланди...

Мактаб дастурларида тарихий ҳақиқат бузиб талқин этилди, буюк аждодлар номи унутилиш даражасига келди.

Сиёсий мафкура халқ орасида тарғиб ва ташвиқ этилди. Бу ва бошқа масалаларда журналистика асосий етакчилик вазифасини бажарди.

Ҳозирда ўтган даврдаги айни ҳолатни табиий ҳол, деб қабул қилиш билан чеклансак-да, бугунги кундаги журналистиканинг ривожига салбий ва ижобий хусусиятларнинг илдизини кечаги кундан излашимиз табиий. XX аср охирига келиб глобаллашув жараёни кенгайиб борганлиги сабабли журналистика ҳам дунё миқёсида кенгайиб бора бошлади. Аввалги метин чегараларнинг йўқ қилинганлиги ҳам икки уч хусусиятларни келтириб чиқарди. Бу маънода XX аср охиридаги ошкоралик ва қайта куриш бошланган, ҳамда мустақиллик йилларининг илк давларида рўй берган ижтимоий-сиёсий воқеалар ва уларнинг журналистлар томонидан шарҳланиши, таҳлил этилиши ҳам турлича бўлди. Мана шу ўринда ҳақиқий профессионал журналист билан ҳаваскор журналист ўртасидаги фарқ яққол кўзга ташланди...

Ҳар бир ижод аввал ҳаваскорликдан бошланиб, профессионалликка томон ривожланишда шаклланади. Бу ўринда кўп ижодкорлар тақлидчиликдан ўз ижодларини бошлайдилар. Аммо узоқ муддат журналист бўлиб келган аксарият ижодкорлар умри давомида ҳаваскорлигича қолиши, ёки оз муддат ичида профессионал даражига етиб, эл назарига тушган журналистлар ҳам йўқ эмас.

Кўп ҳолларда жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, қонунлар ва уларнинг амалиёти, жамиятда устун турган ижтимоий тафаккурнинг журналист кадрлар фаолиятига бевосита таъсир этиши кузатилган ҳол. Мисол учун айрим телекўрсатувлар ёки радиоэшиттиришлар, матбуотдаги мақолаларда журналистлар ўз чиқишлари билан оқловчи ёки қораловчи вазифасида кўриниб қолишларини кузатамиз. Мана шундай ҳолларда профессионал ва ҳаваскор журналистика мезонлари намоён бўлади.

Замонавий журналистикадаги манипулятив жараёнлар хусусида...

Профессионал журналист касбий маҳорати мезонлари.

1. Ёритилаётган ҳодисанинг ишончли эканлигини аниқлаш.
2. Воқеага холислик принципи билан ёндошиш.
3. Ҳар қандай ҳолатда ҳам инсонларнинг ҳатти-ҳаракатларини баҳолашдан қочиш.
4. Камида икки ёки уч илмий мулоҳазалар (интервьюлар)дан фойдаланиш.
5. Ўрганилаётган материал аҳолига бирор бир янгилик бермаса, огоҳлантирмаса ва одатдаги ахборотлардан бири бўлса, унга меҳнат сарф қилмаслик.
6. Матн тузишда ва уни ўқиш чоғида ортиқча истехзоли сўзлар ва оҳангларни ишлатмаслик.
7. Инсон шахси ва оилавий сирларига оид материалларни ёритишдан қочиш.
8. Ҳар қандай ҳодисани ёритганда манипуляция таъсирига берилмаслик ва ўзи ҳам манипулятор бўлиб қолмасликка интилиш.

6 маъруза. Интервью олишда касб одоби меъёрлари.

Маълумки ОАВлари ёки коммуникация воситалари пайдо бўлмасидан аввал интервью жанри вужудга келган десак хато бўлмайди. Лекин ОАВлари тизимида бу жанр нисбатан кеч пайдо бўлганлиги қайд тилади. (Н.Ю. Яничева. Воронеж. Университети. *Профессия – журналист вызовы XXI века. Материалы международной научной конференции. “Журналистика 2006”*.) Умуман ҳар бир жанрнинг юзага келишида жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг таъсири катта. Айталик бизнинг мамлакатда интервью жанри XX асрнинг 60-70 йилларидан бошлаб ривожлана бошлаган бўлса, АҚШ да биринчи марта бу жанр 1840-1850 йилларда шакллана бошлаганлиги мутахассислар томонидан таъкидланади. (АҚШларида “Нью-Йорк трибюн” газетаси.). Россияда эса 1880-1890 йилларда деб юритилади. Лекин иккала

холатда ҳам оммавий ўқувчиларнинг сон жиҳатидан кўпайиши бу жанрнинг ривожланишига турки бўлган. Яъни маълумотни биринчи шахс номидан бевосита тарқатиш эҳтиёжи туфайли бу жанр тобора ривож топмоқда. Демак жамиятда демократик тенденциялар кучайгани сайин интервью жанрига эътибор ва эҳтиром ошиб бормоқда. Айнан бизнинг бугунги кунимизда ам бу холни кузатишимиз мумкин.

Лекин иккинчи жиҳатдан интервью учун танланаётган объект кўпроқ кимларни ташкил этмоқда. Санъат ва шоу бизнеснинг машҳурларидан иборат. Сиёсатчилар, социологлар ва ҳ.к. давлат ходимларининг бошқарув органларининг фикрига бевосита мурожаат этиш ва тарихнинг сиёсат билан боғлиқ кечаги ва бугуни ҳақида ахборо олишнинг иложи борми масаласи журналлистларнинг долзарб муаммоларидан бири.

Ўзб. Республикасининг Аборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида номли қонунида ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш ҳукуқи кафолатланади, деб қайд этилган.

Яхши журналист сифатида эътибор қозониш учун билимдонлик ёки гапдонлик муҳим эмас. Биз мақолалар ёзишда етук мутахассис бўлишимиз мумкин, ОАВларининг барча турида эркин фаолият юритишимиз мумкин, аммо одамлар билан мулоқотда оддий этикет нормаларини билмаслигимиз ёки унга риоя этмаслигимиз бизга панд бериб қўйиши мумкин.

Масалан биз бир одам билан касбимиз юзасидан учрашиш учун ҳаракат қиляпмиз ва ундан интервью олишга тайёргарлик кўришимиз керак. Биринчи ишни нимадан бошлаймиз.

1. Бу одам ҳақида барча маълумотларни йиғишга ҳаракат қиламиз. Оғзакими ёки расмий? Албатта ишхонангизда коллектив аҳил бўлса сизга яқиндан ёрдам беришлари ва бу одам ҳақида барча маълумотларни сизга оғзаки айтиб беришлари мумкин. Бундай бўлмасачи – у ҳолда биз эринмасдан ўша инсон ва унинг фаолияти билан боғлиқ етарли маълумотларга эга бўлишимиз зарур. (Интернет, матбуот ва бошқа манбалар билан танишиш)
2. Иккинчи ишимиз у одамни учрашувга чақириш. Агар телефонини билсак, телефон орқали боғланамиз. Аммо, бизни танимайдиган одамга телефон қилишдан олдин нима ҳақда ўйлашимиз керак? Вақт масаласи.
 - Менинг телефоним бу одамга ёқадими ёки йўқми?
 - Телефон қилиб бу одамни безовта қилмайманми?
 - Мен бу одамга телефон қилишим мумкинми? Эҳтимол сиз ишга эндигина келгандирсиз, ҳатто ўз ишхонангиз ҳақида етарли маълумотга эга эмасдирсиз. Биз учрашмоқчи бўлган одамимиз агар бир неча савол билан мурожаат қилса, манзил қаерда, биз борган таҳририятни ким бошқаради каби саволларга жавоб бера оламизми? Агар ўзимизга ишончимиз бўлмаса, сизни интервью олишга юбормоқчи бўлган бошлиғингиз ёки ҳамкасбингиздан ўша одам билан боғланишларини уялмасдан илтимос қилишингиз мумкин. Бунинг сабабини сиз ҳамкасбингизга тушунтиринг, чунки ишончингиз комил бўлсинки, ҳамкасбингиз ҳам сизнинг ҳолатингизни бошдан кечирган.

- Унинг рақамини тердик, хўш гапни нимадан бошлаймиз? –

Телефонда гаплашиш одоби.

1. Телефонда гаплашмоқчи бўлган одам ким бўлишидан қатъий назар, сиз телефон қилганингиздан кейин, ўзингизни худди чақирилмаган меҳмондек тутишга мажбурсиз. Чунки унинг хонадони худудига сиз беҳосдан кириб бордингиз. Шу боис саломлашишни қисқа қилгач, ўзингизни таништиринг. ва унга телефон қилиб вақтини олмаётганингизни сўранг.
2. Кимсиз, қайси ташкилот ёки тахририятда ишлайсиз, нима мақсадда телефон қилаяпсиз.
3. Телефонда сиз кимсиз ёки сиз фалончимисиз, деган саволлар берилмаслигини ёдда сақланг.
4. Агар телефон узилиб қолса, билингки танишингиз бўлса ҳам телефон қилган одам қайта телефон қилиши керак.
5. Агар ҳаяжонланиб ёки шовқиндан ҳали кўришмаган суҳбатдошингиз билан қаттиқ овозда гаплашманг. Мана шуларни инобатга олиб ҳолироқ ва тинч жой танланг.
6. Агар суҳбатдошингиз интервью беришдан бош тортса, унинг сўзини бўлманг. Охиригача эшитинг. Агар бу одам ниҳоятда зарур бўса, унинг маслаҳатини олиш учун ўзи билан учрашишга келишиб олинг ва албатта қаерда қачонлигини ўзидан сўранг.
7. Телефон қилаётган одам мақсадни қисқа ва аниқ тушунтиргач, биринчи бўлиб ўзи ҳайрлашиши керак. Сўз охирида унга яна телефон қилиш керак бўлса қайси вақтда телефон қилгани мақуллигини сўраш керак. Агар бу ёддан кўтарилган бўлса, эрталабки 9дан кейин ва кечурунги 9.00гача телефон қилган маъқул. Аслида 10.00гача, аммо бизнинг шароитда шуниси маъқул...

Интервью учун келган журналистнинг кўриниши ҳақида.

Авваламбор қаерда, ким билан учрашмоқчи эканлигингизни аниқ илиб олинг.

Актёр ёки актриса, ёзувчи ёки шоир, олим ёки ўқитувчи, врач ёки давлат арбоби.в.х.

Интервью чоғида

Интервьюга келиш олдидан барча қуролларингизни текшириб чиқинг. Диктафонни ишлатиб кўринг.

Съёмкадаги барча ижодкорлар билан кўрсатувнинг концепциясини белгилаб олинг.

Яъни суҳбатдошингиз ёнида бошқалар билан конфликтга чиқиб қолмаслик учун режа асосида иш кўринг.

Ёдингизда бўлсин сиз суҳбатдошингизга қандай муносабатда бўлсангиз, атрофдагилар ҳам шунга қараб ҳаракат қиладилар.

Интервью

Унинг касби ҳақида самимий илиқ фикрни айтиш.

Биринчи саволингиз ҳам суҳбатдошингизнинг кайфиятини кўтариши зарур. Чунки биринчи суҳбат сиз учун муҳимдир.

Агар биринчи суҳбатда объектингизнинг ишончини қозонмасангиз у сизга қалбидаги гапларини айтмайди. Сиз ҳам шунчаки интервьючи бўлиб қолаверасиз.

Қаршингиздаги одам ўзига хос мавқега эга бўлганлиги учун ҳам сиз унинг ёнига диктафон ёки микрофон кўтариб келаяпсиз. Шунинг учун унга меҳр билан муносабатда бўлинг.

Саволларингизни бериш чоғида дафтарингизга эмас тафаккурингизга мурожаат қилинг.

Суҳбатдошингизни диққат билан тингланг.

Суҳбат сўнгида суҳбатдошингизга интервью учун миннатдорлик билдиринг ва агар яна сизни чақирсак, келасизми?, деб ҳам сўранг, яъни техник носозликлар ҳақида ҳам огоҳлантириб кўйинг.

Кўрсатув ёки интервью эфирга кетмагунича бу одам билан алоқада бўлиб туринг. Жараёндан ва қачон эфирга чиқиши мумкинлигини эслатиб туринг.

7 март

Касбий этикага таллуқли халқаро журналистлар ташкилотлари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар. Журналистнинг хизмат одоб – ахлоқи.

Хизмат одоб – ахлоқининг умумий талаблари ва журналистнинг одоб – ахлоқининг ўзига хослиги. Журналистларнинг ҳуқуқ ва вазифалари ҳақида Декларация (“Мюнхен уставидан”) Америка, Британия, Россия ва Япония журналистлар уставидан мисоллар.

Журналистларнинг ҳуқуқ ва вазифалари ҳақида Декларация (“Мюнхен уставидан”дан)

Бу декларация 1971 йил 24-25 ноябрда тузилиб тасдиқланган. Ушбу ҳужжат кейинчалик Халқаро Журналистлар Федерацияси ва Европадан бир қатор журналистлар уюшмалари томонидан қабул қилингандир.

Информация миссияси ўз таркибига зарурий тарзда журналистлар ўзлари бевосита масъулиятларига олган чекланишларни ва қуйида тақдим этиладиган мажбуриятлар декларациясининг асосий моҳияти бўлиб қолади. Ўз касби бўйича фаолият юритаётган журналист бу мажбуриятларга фақат мустақиллик ва касбий шаъни сақлана оладиган мос шароитдагина амал қила олади.

Мажбуриятлар декларацияси:

Янгиликларни тўплаш, уларни босмага тайёрлаш ва шархлаш билан шуғулланувчи журналистларнинг асосий мажбуриятлар қуйидагилардан иборат:

1. Омманинг ҳақиқат билиш ҳуқуқига эга бўлиши сабабли, ҳар қандай шароитда ҳақиқатни эъзозлаш.

2. Информация, комментарий ва танқид эркинлигини ҳимоя қилиш.

3. Келиб чиқиши аниқ бўлган фактлар бўйичагина ҳисобот бериш; асосий маълумотни яширмаслик ва матн, ҳужжатларнинг мазмунини ўзгартирмаслик.

4. Янгиликлар, фотосуратлар ёки ҳужжатларга эришиш учун ҳаққоний бўлмаган усуллардан фойдаланмаслик.

5. Махфийликни сақлаш.

6. Хатолар йўл қўйилган ҳар қандай нашр қилинган маълумотни тўғрилаш.

7. Касбий сир сақлашга амал қилиш ва махфий асосда олинган маълумот манбаини сир сақлаш.

8. Ўз шаънига қаратилган жиддий ҳақорат деб қуйидагиларни қабул қилиш: ўзгалар номини олиш, тухмат, бўҳтон, матбуот орқали асосланмаган қарашлар, янгиликларни яшириш ёки босмаан чиқариш мақсадида пора олиш.

9. Ҳеч қачон журналист касбини реклама берувчи ёки ташвиқотчилар фаолиятига қўшмаслик ва эълон берувчиларнинг ҳар қандай билвосита ва бевосита буйруқларини рад этиш.

10. Ҳар қандай босимга қаршилик кўрсатиш ва таҳририятдаги масъул шахслар буйруқларига амал қилиш.

Ҳуқуқлар декларацияси

1. Журналистлар барча маълумот манбаларига эркинлик ва халқ ҳаётининг яхшиланишига тааллуқли бўлган барча воқеалар бўйича керакли савол-жавоб уюштиришлари мумкин. Шу боис, одатдан ташқари ҳолатларда ва аниқ асосланган сабабларга кўра журналистларга нисбатан оммавий ва шахсий масалаларда махфийлик сақланади.

2. Журналист ўз фаолиятида информация ташкилоти билан тузилган иш контрактда баён этилган умумий курсга зид бўлган ва аниқ ифода этилмаган ҳар қандай ҳолатга бўйсунмаслик ҳуқуқига эга.

3. Журналист ўз эътиқоди ёки онгига қарама-қарши бўлган муоҳазани ифода этиши, ёки шу ўринда бирор бир касбий чора кўришга мажбур қилинмайди.

4. Таҳрирят корхона ҳаётига таъсир этиши мумкин бўлган барча муҳим қарорлардан албатта хабардор бўлиши керак. Масалан, журналистларни ишга қабул қилиш, уларни лавозимидан озод қилиш, ўзгаришлар киритиш каби ҳолатлар.

5. Бажараётган вазифа ва масъулиятни ҳисобга олган ҳолда журналист нафақат жамоат битимида, балки, индивидуал иш контрактдан ҳам маълум афзалликларга эга, унга ишининг жиддий ва маънавий жиҳатдан хавфсизлигини таъминловчи, ижтимоий шароитга мос ва иқтисодий мустақиллигига кафолат берувчи ҳақ тўлаши лозим.

2. Британия Журналистларининг Миллий Уюшмаси Бошқарув ва Иш Амалиёти Кодексидан кўчирма.

Иш амалиётининг 5 моддаси уюшма аъзоси бошқа журналистнинг меҳнатидан ёки бирор бир мақсадда унинг ёзган ишидан фойдаланиши керак эмас.

Иш амалиётининг 12 моддаси – уюшма аъзоси бошқа журналистларга хурмат ва эътибор билан муносабда бўлиши керак.

Ушбу Кодекс мазмуни Мюнхен Устави мазмунига ниҳоятда яқин.

ОАВлари борасида қабул қилинган ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳақида.

8 март

Фавқулодда вазиятлар жараёни ва журналистларни умумий ва индивидуал ҳимоя қилиш тадбирлари.

Халқаро ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўрганишга юбориладиган журналистларга умумий тавсиялар. Умумий хавфсизлик қоидалари. Бошқа мамлакатда ўзини тута билиш қоидалари. Шубҳали вазиятларни кузатиш ва хавфнинг олдини олиш бўйича тавсиялар. Журналист – мафкура ходими. Журналист касби ва ахлоқий фазилатларининг бирлиги, юксак ахлоқийлик. Журналист фаолияти муваффақиятининг асоси.

Сўз эркинлиги ҳуқуқбузарлиги ҳолатларини ўрганаётган ёки иш юзасидан маълум бир фавқулодда воқеа содир бўлган ҳудудга юборилаётган журналистлар учун айрим асосий кўрсатмалар мавжуд.

А.Жўнаш олдидан.

1.тиббий кўрик- умумий ҳолат, электрокардиограмма, кўкрак қафасини рентген қилиш.

2. Дантист кўриги.

3. Вакциналар ҳақида маълумот:

- Полиомелит ва тифга қарши
- Сил ва менингитга қарши
- Сарик безгакка қарши мажбурий вакцина
- Гепатит Ага қарши (тавсия этилади)
- Гепатит Бга қарши (тавсия этилади)
- Малерияга қарши таблеткалари (жўнаш куни ва манзилдан қайтиб келгандан кейин камида 45 кун давомида қабул қилиши лозим)

4.Ўзи билан олиб кетадиган маълумотлар

5. Қон гуруҳини аниқлаб, уни ён дафтарда сақлаш.

6. Биринчи ёрда кўрсатиш муолажаларини ўрганиш маслаҳат берилади.

7. Ўзи билан олиб кетадиган ҳужжатлар:

- Паспорт
- Халқаро вакцинацияси карточкаси
- Матбуот карточкаси
- Қон гуруҳи
- Халқаро Ҳайдовчилик гувоҳномаси
- Доллар купюрасида пул

- Йўл ва шаҳар хариталари
 - Режаланган маршрут бўйлаб расмий алоқалар рўйхати
 - Мобил телефони
- Б. Умумий хавфсизлик бўйича тавсияномалар...

9 маъруза. Журналистикада ахлоқий дилеммалар (зиддиятлар)

1. Этикага оид зиддиятли вазиятларни ҳал этишда аналитик ечимлар

2. Джонн Гиннинг этика дилеммаларини таҳлил қилиш модели

ОАВлари доимий равишда ўз аудиториясининг ишончини оқлаш мақсадида барча имкониятларни ишга солиб келган. Айни пайтда маълумотнинг аниқ ва тўғрилиги, ишончли манбадан фойдаланилганлиги ва касбий-ҳуқуқий ахлоқ меъёрларининг бузилмаганлигига ОАВлари кафолат бера олиши керак. Айрим ҳолларда журналист этика нормаларига оид турли муаммоларни ҳал этиши, сўз эркинлиги ва маълумотларни ишончли манбадан олиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқлари бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий, касбий-ахлоқ нормаларини қонуний жиҳатдан яхши билган ва шубҳасиз ўзи ҳам бутун фаолияти давомида бу нормалар ва кодексларга амал қилиб келган журналистгина ўз мақсадига эришиши мумкин.

Ҳар ўз касбининг мутахассиси бўлган журналист аудитория олдидаги масъулиятига виждонан ёндашган ҳолда факуллодда ҳодисалар, зиддиятли вазиятларда керак маълумотни ноқерагидан ажрата билиш иқтидорига эга бўлиши, фаолияти давомида бу касбий хусусиятни ўзида шакллантира билиши керак.

1. Этикага оид зиддиятли вазиятларни ҳал этишда аналитик ечимлар.

Ҳар бир касбга оид ўзига хос этика нормалари мавжуд. Бироқ айрим ҳолларда бу нормалар истисно тариқасида бузилиш ҳолари ҳам рўй беради. Бу маънода Иммануэл Кант томонидан берилган таъриф диққатга сазовор:

- Агар Сизнинг уйингизга кўлида қурол билан келган киши акангизни ўлдириш ниятида унинг қаердалигини сўраса (у сизнинг уйингиздаги шкаф ичига яширинган) уни алдаш керакми ёки рост сўзламоқ дурустми? Ахлоқ нормаларига қулоқ солсак, ёлғон сўзлаш гуноҳ, лекин рост сўзлаб сотқинлик қилиш ҳам гуноҳ эмасми? Демак бундай дилеммалар ҳар бир касбга тегишли бўлиши мумкин, шу жумладан журналистика касбига ҳам.

2. Джонн Гиннинг этика дилеммаларини таҳлил қилиш модели

Ушбу аналитик модель Канзасс университети журналистика факультети профессори Джон Гинн томонидан ишлаб чиқилган. Бу дилеммалар ОАВларида турли этикага оид дилеммаларга дуч келувчиларга мўлжалланган.

Модел етти босқичдан иборат:

1. Зарур бўлган энг муҳим ечимни айтиш. Бунинг учун уни “ҳа” ва “йўқ” тарзида жавоб бериш мумкин бўлган саволлар кўринишида

- шакллантиринг. Мақсадни аниқ белгилашга ҳаракат қилинг ва ҳаракат қилишни мўлжалланг. Масалан: “Бу мақолани нашр этишим шартми?...”
2. Мулоҳаза қилинаётган ҳодисанинг “мумкин” “мумкин эмас” томонларини белгилаб олинг. Агар сиз ҳар икки томонга уч ёки тўрттадан муҳим далил келтира олмасангиз, унда сиз мақола ёзмоқчи бўлган ҳодисани яхши билмайсиз ва ўрганмагансиз. Агар бундай бўлмаса сизнинг мавзуингизда дилеммалар йўқ.
 3. Мавзу юзасидан асосий ахлоқий қадриятларни санаб ўтинг.
 - тўғрисиўзлик, халоллик, меҳрибонлик, ҳақиқатпарварлик каби айрим қадриятлар инсон ҳатти-ҳаракатларини белгилашига аҳамият беринг.
 - Эркинликка эришиш, ўз-ўзини ҳурмат қилиш, бахт, эришилган натижалардан бахтиёрлик ҳисси каби хусусиятлар эса ишнинг якуний натижаси сифатида белгиланишига аҳамият бринг.
 4. Кимга нисбатан кўпроқ холис бўлиш кераклигини аниқланг. Сизнинг ўзингиз, оилангиз, дўстларингиз, иш жойингиз, бошлиғингиз, ўқувчиларингиз ва умуман жамият олдидаги масъулиятингиз ўзаро бир-бири билан рақобат қилиши мумкин. Бу ҳолда буларнинг ҳар бирининг ўрни ва устунлигини тўғри жойлаштиринг.
 5. Албатта ҳеч бўлмаганда олти ёки етти имконият вариантларини топинг. Дилемма (зиддият) кўринмайдиган вариантларга алоҳида эътибор қаратинг.
 6. асрлар донолигидан тўғри фойдаланиб, ҳар бир альтернатив имкониятни таҳлил қилинг. Бу донолик барча машҳур файласуфлар ва буюклар асарларида қайд этилган. Агар улар редакторнинг ўрнида бўлганларида шундай йўлларни тавсия этишлари мумкин эди:
 - Аристотель журналистларни ўз вазифаларига виждонан ёндашишга ўргатган ва “олтин ўрталик”ни топишни тавсия этган бўларди.
 - Иммануэл Кант журналистларни қатъий талаб сифатида асосий икки тамойил устидан ҳукмрон бўлишга чақирарди: 1. шундай қилингики, сизнинг ўз ҳоҳишингизга кўра бажараётган ҳар бир ҳаракатингиз универсал қоида бўлиши мумкин бўлсин; 2. Ҳар доим инсониятга ва ўзингизга восита билан эмас, мақсад билан ёндашинг;
 - Джон Ролс журналистларга “одобсизлик ниқобини” кийишни тавсия этган бўларди. Бу шуни билдирадики, қарор қабул қилиш вақтида оз муддатга бўлса ҳам ўз шахсини унутиш ва бошқаларнинг нуқтаи назарлари ва манфаатларини қабул қилиб, уларнинг ўрнига ўзини қўйиб кўриш керак. Ролс журналистларга ҳодисанинг иштирокчилари орасида ўзаро баҳс юз бериши мумкинлигини тасаввур қилишни сўраган бўларди. Ва одобсизлик ниқоби ечилганида улардан ҳеч бири журналистнинг қизиқиш ва манфаатлари нимадан иборат эканлигини билмайди.

- Джон Стюарт Милль утилитаризм (ахлоқнинг асоси фойда олиш, манфаат кўриш деб билувчи таълимот) тамойилларидан фойдаланишни тавсия этган бўларди. Бунга кўра ахлоқий қоидалар кўплаб кишиларга фойда ва бахт келтириши билан бирга, боқаларга шунча кам зиён етказсин.
- А. Қодирий қандай йўл тутишни тавсия этган бўларди? – Миллий ҳодиса ҳақида миллатнинг ўғлони ёзиши керак, миллий хусусиятларни билмаган ижодкор “ўзбек бўлмагач ҳар қандай мутахассиснинг ҳам афсона кўчасига кириши аниқ” блиши турган гап деган бўларди. Ёки “Нашриётчилар ва матбаачилар” мақоласида айтгандек мақола ёзсанг янгисидан гапир” (А.Қодирий. “Кичик асарлар” Т.: Ғ.Ғулом нашриёти. 1969.)
- Ушбу мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилинг ва ҳаракат қилинг!

Келтирилган ушбу етти босқич бир қарашда енгил эмасдек кўринади, лекин маълум тажрибага эга бўлгач, бу босқичлар вақтни тежайди ва касбга доир муҳим этика нормаларига амал қилишда ёрдам беради.

3. Ўз-ўзимга етти савол

Баъзида бирор бир нозик ва баҳсли ҳодиса ҳақида материал тайёрлаётганда журналист ўз-ўзини сўроққа тутгани унга ёрдам беради:

1. Мен нимани биламан? Нимани билишим керак.
2. Менинг журналистик мақсадим қандай?
3. Этика нуқтаи назаридан бу мавзу ва ҳодисада менга нима ёқмайди?
4. Мен қандай ташкилий тактика ва касбий нормаларни қўллашим мумкин?
5. Қарор қабул қилиш жараёнига қурли манфаатлар ва фикрларга эга кишиларни қанай жалб этиш мумкин?
6. Менинг қарорим қайси томонга таъсир этиши мумкин? Улар ким томонидан бошқарилади? Қайси томоннинг манфаатлари қонуний?
7. Агар ролларимиз алмашса нима бўлади? Менинг қарорим кимгадир таъсир этиши мумкин бўлган шахс ўрнида мен бўлиб қолсам нима бўлади?
8. Менинг ҳаракатларим қисқа ва узоқроқ муддатда қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?
9. Мен максимал даражада қандай қилиб ҳақиқатни ошкор қила оламан ва айти пайтда бошқаларга зиён етказмайман?
10. Мен ҳамкасбларим олдида, менинг материалим манфаатларига таъсир қилиши мумкин бўлганлар олдида, жамият олдида ўз фикрларим ва қароримни аниқ ва тўлиқ равишда исботлай оламанми?

10 маъруза. Маданиятлар ўзгариши - трансформацияси .

Маданият инсоннинг жамиятдаги ишлаб чиқаришида, ижтимоий ва маънавий ҳаётида эришган ютуқлари билан бирга, ўзидан аввалги авлод

қолдирган маънавий бойлик – миллий қадриятлар, осори атиқалар, йирик иншоотларга ҳамда халқнинг анъанавий урф-одатлари бўлган муносабатидир. Шу билан бирга инсоннинг ташқи ва ички гўзаллиги, белгиланган ахлоқ-одоб меъёрларини билиши, ўз фикрини эркин ифодалаши, ўз касбининг билимдони эканлиги ҳам унинг маънавияти даражасини билдиради.

Жамиятнинг йирик тараққиёт босқичларидаги ҳар қандай ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар маълум бир шаклдаги маданиятнинг ўрнини бошқа бир маданий ўзгаришлар эгаллашига олиб келади. Ижтимоий давр маданияти ўрнини антик маданият, кейинроқ эса ўрта асрлар маданияти эгаллаганидек, собиқ совет иттифоқи даврида шаклланган ўзига хом маданият ўрнини мустақиллик даврида бошқа бир маданий ўзгаришлар эгаллай бошлади. Айни пайтда бир неча йиллардан бери ёпиқ жамият ҳисобланган давлатлар эшиклари очилгач, шарқ ва ғарб мамлакатлари орасидаги маданий алоқалар бошқа бир маданий ўзгаришларнинг вужудга келишига туртки бўлди.

Ахборотлар оқимининг борган сари кенгайиши ҳам аввал мумкин бўлмаган янгича маданий қарашлар, шаклларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек агар аввалги маданият анъаналарнинг сақланганлиги билан қадрли бўлса, замонавий маданият – кўп хиллилик, қоришиқлик билан аҳамиятли. Айни пайтда замонавий маданиятнинг даражасини белгилайдиган маълум бир шакллар, белгилар мавжуд. Масалан “Инсоннинг турмуш тарзи унинг дунёқарашини белгилайди” деган ибора бор. Бу фикрни агар давлат миқёсида оладиган бўлсак, бундан атиги 15-20 йил муқаддам халқимизнинг маданий савияси бугунги кундаги ҳолатдан анчайин фарқ қилишини кўрамиз. Бунинг учун биз замонавий маданиятли инсон тушунчасини белгиловчи белгиларни аниқлаштириб олишимиз керак.

Бугунги замонавий маданиятли шахс:

- камида 2 тилни билиши;
- ахлоқ-одоб нормаларига риоя қилиши;
- маълум бир соҳанинг етук матахассиси бўлиши;
- ижтимоий жиҳатдан ўзига тўқ бўлиши,
- замонавий технологиялардан фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши;

- ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олиши муҳим бўлса;

бундан 20-30 йил аввалги маданиятли шахснинг белгилари:

- рус маданиятига тегишли барча билимлардан воқиф бўлиши;
- театр ва кинотеатрга мунтазам бориб туриши;

- болалар ва аёлларга нисбатан ширин муомалада бўлиши муҳим ҳисобланган. Россиялик маданиятшунос И.А. Негодаев “Информатизация культуры” – “Маданиятлар ахборотлашуви” китобида у жамиятни маълум бир ижтимоий гуруҳлар ташкил этишини ёзиб, уларнинг ўз маданияти борлигини шундай ифодалайди: - Элита – зодагонлар, оқсуяклар маданияти, хослар. Сараланган гуруҳлар маданияти бу маданий шакл кўпроқ замонавий эмас юқорида кўриб ўтганимиз фалсафа ва санъатни ўзлаштирган, ўзидан аввалги авлоднинг маданий меросини ардоқлаган, шунингдек замонавий

маданиятнинг энг зарур кўринишларини ўзлаштираётганлар; - халқ маданияти миллий қадриятлар. Урф-одатларнинг сақланиб келишида муҳим ўрин тутаётган қатлам. Айнан улар сабаб миллий хусусиятлар, миллий қадриятлар қадрланиб келинади.

Ҳар қандай оқсуяклар маданияти ўзига хос белгиларига эга: ўзини тутиши, ташқи кўриниши, сўзлаши каби. Айни пайтда элита маълум бир ижтимоий статусга эга. Кўп ҳолларда элитар маданият вакиллари мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида маълум бир ўринни эгаллайдилар.

Бошқа қатлам вакиллари учун элита ҳамиша ибрат олиш манбаи вазифасини ўтаб келган.

Вақт ўтиб маданиятларнинг ўзига хос кўринишдаги маданиятлар ҳам пайдо бўлмоқда. Хусусан субмаданият – суб олд кўшимчаси азалий маданият кўринишларига қарши турувчи маъносида келади. Жумладан янгича кўринишларни тарғиб этувчи “маданият”нинг вакиллари кийиншлари. Ыташқи кўринишлари, ўзига хос дунёқарашларини тарғиб этувчи атрибутлар-белгилари билан бошқалардан тубдан фарқ этадилар.

Кўп ҳолларда субмаданият вакиллари халқ маданият ва элита маданиятидан умумийлик ва хусусийликни ўзлаштирган ҳолда ўз кўринишлари билан ўзига хос ғояларни тарғиб этишларини яширмайдилар. Замонамиз даврида оммавий маданият, элита ва халқ маданияти кўринишлар ўзаро бир-бири билан қоришув кўринишига келмоқда. Жумладан юқори маданият вакилларига хос бўлган маданият анъанавий ва оммавий маданият кўринишларини ўзлаштирилган ҳолда мидмаданият, яъни ўрта маданият кўринишлари юзага келмоқда.

Оммавий маданият кўринишлари бу- бир хиллик ва умумийликнинг кенгайишидир. Бу ҳол ҳамманинг бир хил фикрлашига ёки бир хил кўринишга интилишида акс этади. Бу ҳолда халқ маданиятти ўзининг оригинал хусусиятларини сақлаб қолиши қийинлашади.

Ортега и Гассет (испан файласуфи, Ницшенинг издоши) айнан мана шу мавзуга доир “Омма кўзғолони” китобини ёзган эди. Унинг фикрича замонавий цивилизация оммавий маданият вакилини кўпайтириб юборди. Жамият ҳамиша хослар ва оммадан иборат бўлиб келган. Хослар маданияти аввало зодагонлар маданияти ҳисобланган. Омма одами эса бу- ўртаҳол, ҳеч қандай хусусияти билан ажралиб турмайдиган кишидир. Омма , дейди Ортега и Гассет замонавий цивилизацияда шундай даражага эришдики авваллари бу даража фақат элитар маданият кишиларигагина насиб этарди. Иқтисодий жиҳатдан фаровон турмуш кечириётган ва либерализм ҳукмрон бўлган жамиятда омма юқори табақа вакиллари даражасига чиқиши осонлашди ва эндиликда омма ва хослар деган тушунчалар ўзининг ибтидоий тушунчасини йўқотмоқда. Эндиликда омма вакиллари ўша элита даражасида бўлиши оммавининг кўзғолонидир, дейди файласуф.

Биз ҳар бир инсон нимани хоҳласа шунга эришиши мумкин бўлган даражага етдик, дейди Ортега и Гассет. Омма ҳамма нарсага эришди ва эришмоқда бироқ, натижада дунё қабиҳлашиш даражасига келмоқда,

“ Широкие народные массы вышли на арену творческой жизни и

породили массовое общество. По его мнению, массовое общество порождено двумя обстоятельствами. Первое – установление и господство либеральной демократии, которая ликвидировала тоталитаризм, освободила людей от жесткой политической государственной зависимости. Вторая причина кроется в бурном техническом прогрессе, который породил техногенную цивилизацию с его массовым машинным производством и массовым потреблением.” (Ортега-и-Гассет) *Халқаро миллий этикет масалалари. (Ғарб ва шарқ ўртасидаги ўхшашлик ва фарқ. Умуминсоний тушунчалар. Миллийлар турмуш тарзи. А. Навоий. З.М. Бобур, “Қобуснома”. Р.Тагор, И.Ганди, XIX аср ва XX аср бошидаги ўзгаришлар, ижтимоий фикр ўзгариши, маданият тушунчасига муносабат.Ғ.Ғулом, А. Қодирий. ... Наливкин китобидан мисол “Фарғона тузем аёллари турмушидан”;* Ж.Байрон, Л.Н. Толстой, Гёте ва Бетховен, Пушкин. (Маданиятлар ўзгариши - Трансформация культуры. Информатизация культуры, И.А. Негодаев) Агар маданиятлар ўзгаришининг тарихий босқичларига назар ташласак, ҳар бир ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар даврида маданиятнинг ташқи жиҳатлари ўзгаргани билан, азалий урф-одатлар, қадриятлар, ахлоқ нормалари каби хусусиятлар ўзгармасдир. Лекин, билим ва коммуникабеллик жиҳатидан инсон тобора жадалликка, билимлари узвийлигига интилиш билан бир қаторда, ўз ҳудудига тегишли бўлган ахборотлар билангина чегараланишни истамаяпти. Шунинг учун маданиятлар ўзгариши, қоришуви айниқса бугунги глобаллашув давримизда эътибор талаб этиш муҳим бўлган масала бўлиб турибди. Ҳар бир даврда инсоннинг ижтимоий келиб чиқиши ва жамиятдаги мавқеига кўра маданият хусусияти белгиланиб келган. Лекин “оммавий маданият” нинг кенгайиши жамиятда элитар ва халқ маданият орасидаги чегараларнинг қисқаришига сабаб бўлгани ижобий ҳолдир. Шунинг учун ҳам қайси мамлакат аҳолиси ёппасига саводли бўлса бу мамлакатнинг тараққиёти шунчалик тез содир бўла олади.

11 маъруза. Ихтисослашув журналист касбий маҳоратининг етакчи омили сифатида.

Журналист халқ ва давлат билан, жамият ва омма билан асосий кўприк, воситачи вазифасини бажарар экан, унинг маълум бир соҳани мукамал билиши ва мана шу соҳанинг тарғиботчиси бўла олиши муҳимдир. Аммо ҳар бир соҳа бўйича шунчаки ахборот етказувчи бўлиш ниҳоятда мураккаб, айна пайда масъулиятлидир.

1. Ихтисослашув

Ҳар қандай журналист агар маҳорат чўққисига эришмоқчи бўлса ўзининг севган ёки қизиққан соҳаси билан шуғулангани маъқул. Зотан, бугун сиёсат билан, эртага санъат ва индинга тиббиётга оид кўрсатув ёки лавҳа тайёрлаган журналист, матбуот ходими маълум маҳорат чўққисига эришиши амримаҳол. Чунки, у бирор бир соҳага меҳр қўймаганидек, бу соҳанинг тарихи, мутахассислар ҳақидаги маълумотлар билан яхши таниш бўла олмайди. Ўз навбатида уни ҳам соҳа вакиллари билмайдилар, билсалар

хам тан олмайдилар. Демак, журналист албатта бирор бир соҳага ихтисослашсагина, уни тан олишлари, у билан ҳисоблашишлари, вақти келганда уни мутахассис сифатида эътироф этишлари мумкин.

Ҳар бир журналист радио, матбуот ёки телевидениеда фаолият юритишидан қатъий назар, унинг материалига эътибор беришларини ва эътироф этишларини истайди. Буни истамаган, фақатгина ишга келиб кетган ходимнинг материални журналист тайёрлаган, деб айтиш урф эмас. Эътибор беришларини истасак, материалimiz бошқаларникидан услуби, воқеъликка ёндашиши ва фикр ифодаси билан ажралиб туришига ҳаракат қиламиз. Бундай бошқаларга ўхшамасликка интилиш биз танлаган ғоя, яъни муаллиф ғоясини белгилайди. Бу фикрни ижод аҳлининг барчасига тааллуқли деб билиш мумкин. Дунёда ҳамиша эътироф этилувчи, куйланувчи ва ҳамиша ижодкорларни ҳаяжонга солувчи туйғулар мавжуд. Бу - мухаббат, садоқат, вафо, меҳр-оқибат, хиёнат, нафрат, ва ҳ.к. Лекин, ҳар бир ёзувчи, кинопублицист, тележурналист, умуман рассом, ҳар бир ижодкор бу инсонга хос хусусиятларнинг турлича ифодаларини янгича ғоялар асосида ёритиб келган. Демак, журналист ҳам маълум бир фикрни айтиш учун (мана шу кўҳна туйғулар ҳақида янгича фикр айтиш учун) бирор янги ғоя топади. Агар ҳар бир асарнинг ёзилиши ёки экран талқинидан аввал ғоя аниқланган бўлса, бу асар муваффақиятли якунланиши табиий.

2.Муаллиф ғояси

3. Бир мавзуга икки уч ижодкор бир вақтнинг ўзида қўл уриши ёки давр ўзгаришларига кўра воқеъликка муносабат ўзгариши табиий ҳол. Масалан “Сен етим эмассан” фильми нима ҳақда? Ўзбек халқининг бағрикенглиги, болажонлиги ва ҳ.к. Лекин бу воқеа тўқима эмас. Унда ҳақиқат мавжуд. Бу воқеага XX асрнинг 62 йиллари мурожаат этилди. Лекин ўша давр мфкурсига кўра кинофильм ўзбек халқининг вакили бўлган бу икки инсоннинг чеккан машаққатлари ҳақида эмас, кўпроқ кўпмиллатли совет халқининг аҳиллиги ҳақида бўлиши талаб этилди. Мустақиллик йилларига келиб, советлар даврида энг сара кинофильмлар сифатида эътироф этилган ўзбек фильми Москва журналистлари томонидан танқид остига олинди. Ҳеч бир асосиз, москвалик телеижодкорлар афсона ва ҳақиқат мавзусига асос қилиб бу фильмни танлашди. Ва бу воқеани бошдан оёқ тўқима деб кўрсатув тайёрлашди. Муаллифнинг фактлар, воқеалар ва қаҳрамонларга бўлган муносабати кўрсатув ғоясининг холислигини таъминлайди.

3.Холислик

Агар бизга бирор бир конференция ҳақида сюжет тайёрлаш топширилса ишни нимадан бошлаймиз? Айтайлик, конференция халқаро тиббиёт масалаларига оид бўлиши мумкин. Хўш конференция ҳақида сюжет тайёрлашмиз ёки газетага, радиога ахборот тайёрлашмиз. Аввалига телесэжет ҳақида гаплашамиз.

Кадрда кимлар ва нималар бўлади. Ишни нимадан бошлаймиз?

Савол нима ва қандай суратга олинади, монтаж қилинади ва ҳ.к.

Агар саволни бугунги конференция эмас тиббиётга оид айнаи шу муаммо хусусида нимани суратга олган ва кўрсатган бўлар эдим деб қўйсакчи? – Хўш нима учун айнан бугун мана шу халқаро конференция бизнинг юртда бўлиб ўтаяпти? – Демак, бу ходиса қандайдир муаммо билан боғлиқ.

Агар муаллифнинг мавзуга нисбатан шахсий қизиқиши бўлмаса, унинг кўрсатуви томошабин учун ҳам қизиқарсиздир. Зерикарлидир.

Мавзуга ёндошишда “оғриқли нуқта”ни топиш мақсади муҳимдир.

Нима учун бу мавзуда конференция ўтказилмоқда?

Бу касаллик мен ва оилам учун хавфсизми?

Унинг келиб чиқиш сабаблари нимада?

Атрофимиздаги одамлардан неча фоизи бу касаллик билан оғриган?

Шу ва шунга ўхшаш саволларга жавоб топишга уринсак, мавзуга ёндошиш ва ёритиш ҳам осонлашади? Мавзунинг умуминсоний аҳамияти?

4. Мавзуга ёндашиш

Ҳар бир мавзунинг ёритишда сюжетнинг драматургиясини яратиб олиш зарур. Бунинг учун ғоянинг аниқлиги, мавзуга холис ёндошиш ва маълум сюжет чизиғини яратиш керак бўлади. Агар аниқ мақсадга йўналтирилган сюжет чизиғи топилмаса, томошабин ҳам йўқолади. Бундан мақсад нима томошабинга таклиф этаётган ғоя ёки фикрга уни ишонтириш. Бунинг учун воқеани намойиш этиш ёки ҳикоя қилиб бериш эмас, исбот этиш талаби муҳимдир.

Спид билан оғриган болалар ҳақида фильм яратилганда муаллиф, монтаж пайтида фильмнинг сюжетини қуйидагича тузади

- Булар бемор болалардир.
- Бу болалар бошқалар учун хавфлидирлар, чунки улардан касаллик юқиши мумкин.
- Соғломларни улардан асраш учун бу болаларни махсус касалхоналарда сақлайдилар.
- Бу болалар соғлом оилавий муҳитдан узилганлар, шунинг учун ҳам бундан улар азият чекадилар.
- Лекин улардан кўрқмайдиган ва уларни севадиган кишилар бор.
- Бу одамлар биладик, беморларга нозик ва махсус муносабат даркор. Аксарият болалар бошқалар каби очиқ муҳитда яшашлари керак, чунки кўпчилик болалар жисмонан соғломдир. Аммо, уларнинг руҳияти “покалечена”.
- Ниҳоят, улар нормал болалардир...

Демак, муаллиф ғояси маълум материаллар асосидаги сюжет билан тасдиқланиши шарт. Бусиз, фақат сўзга урғу берилган кўрсатув жимжимадор бўлиб қолиши мумкин. Экрандан айтиладиган ғоялар ҳамиша умуминсоний ахлоқий муносабатлар асосига қурилади.

Эпизод, сюжет, материал, контраст, конфликт, кульминация, драматургия,
деталь